№ 40 йўқ

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 19 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 39 (7132)

Da`vat

Фанда энг ишончли кўмакчи ўз ақлинг, тафаккурингдир.

Жан ФАБР

Ibrat

Самарқандлик олиму фузало, адиб ва санъаткорларнинг самарали ижод қилишлари учун шароит яратиб бериш мақсадида шаҳарда «Зиёлилар саройи» ташкил этилди. Мазкур саройда мунтазам равишда турли учрашувлар , илмий анжуманлар, ижодий кечалар, баҳс ва мунозаралар ўтказиб туриш мўлжалланмоқда.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 май куни Америка Қўшма Штатлари Қуролли кучлари марказий қўмондонлигининг бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

• Мамлакатимизга АҚШ Савдо вазирининг маслаҳатчиси Ян Калицки бошчилигидаги делегация ҳам ташриф буюрди.

•Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Буюк Британиянинг «Ай - Ти- И» компанияси ҳамкорлигида «Нефть ва газ» деб номланган кўргазма очилди.

• Берлинда чиқадиган «Шарқ» журналининг Ўзбекистонга бағишланган сони «Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб ўртасидаги мамлакатдир» деган сарлавҳа билан чоп этилди.

• Россия ва Украина божхона хизматчилари темир йўлларда қўшма тадқиқот синови ўтказишмоқда.

• Львовда марказий Европа мамлакатлари президентлари билан учрашув қатнашчилари Белград ҳукуматини Косово муаммоларини ҳал этиш бўйича халқаро жамоатчиликнинг барча талабларини бажаришга чақирди.

• Француз сайёҳлари Жак Фон Полис ва Жюлен Дельпешлар ЮНЕСКО ҳомийлигида тайёрланган «ЕвроОсиё бўйлаб 45 минг километрлик саёҳат» лойиҳа асосида машҳур саркардалар Александр Македонский, Амир Темур ва сайёҳлар Марко Поло, Александр Гумболдтларнинг босган излари ҳамда «Буюк Ипак йўли» бўйлаб автомобиль саёҳатига чиқдилар.

«ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ» БЎЙИЧА ЎҚУВ МАРКАЗИ

1999 йил 17 май. Мазкур сана Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти тарихида ўчмас из қолдирадиган бўлди. Шу куни институт қошида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Америка халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи (АХССИ) ҳамда Американинг Ричмонд шаҳридаги тез тиббий ёрдам Бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Тиббий тез ёрдам ўқув Маркази»нинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг фахрий Президенти Т.Каримова, республикамизнинг етук тиббиёт ходимлари, уларнинг АҚШдан келган ҳамкасблари, таркибида авария-қутқарув хизматлари мавжуд бўлган бир неча вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Расмий очилиш маросимини янги Марказ директори В.Аваков кириш сўзи билан очиб бергач, Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов сўзга чиқиб, мамлакатимиз раҳбарияти аҳоли саломатлигини сақлашни тубдан яхшилашга катта аҳамият бераётганини айтиб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан Ричмонд шаҳри (АҚШ нинг Виржиния штати) шошилинч тиббий ёрдам Бошқармаси ижрочи директори Ж. Овертон ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назировлар ватанимизда тез тиббий ёрдам миллий марказларининг ташкил этилишида дастлабки қадам бўлган бу марказ аҳоли ўртасида касалликларнинг кескин камайишига кўмаклашишини таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Ж. Пресел, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари В. Голишев, Т. Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби А.Зиёевлар иштирок этишди.

Пойтахтимизда очилган бу янги марказнинг ташкил этилиши тарихи 1992 йил декабрь ойига бориб тақалади. Ўшанда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (АҚШХТА) ва Америка халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи (АХССИ)нинг саъй-ҳаракатлари ёрдамида Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти ҳамда Чикагодаги Иллинойс университети тиббиёт Маркази ўртасида ўзаро алоқалар тўғрисида Меморандум имзоланган эди. Шундан бери шерикчиликнинг устувор йўналишлари деб белгилаб олинган оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ҳамширалик ишини қайта ташкил этиш, клиникаларни молиялаштириш ва бошқариш, тиббий таълим муассасаларида билимлар назоратини ва ўқитиш жараёнини такомиллаштириш каби соҳаларда кўп ишлар қилинди. Томонлар биргаликда қатор халқаро анжуманлар, семинарлар ўтказишди. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдами билан Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида Неонатологик ўқув Маркази, Ҳамширалар ўқув Маркази очилди. Худди мана шу ҳамкорлик доирасида 1997 йил охирида ташкил этилган Аёллар саломатлик Марказининг расмий очилиш маросимида соғлиқни сақлаш соҳасида катта ишлар қилаётган Т. Каримова ва Ҳ. Клинтон хонимлар иштирок этишган эди.

Ўзаро ҳамкорлик доирасининг тобора кенгайиб бориши бесамар қолмаётганига ишонч ҳосил қилган АҚШХТА Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти билан АҚШнинг Виржиния штатидаги Ричмонд тиббий тез ёрдам Бошқармаси ўртасида янги ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Натижада 1999 йил 21 январь куни Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти қошида Республика тез тиббий ёрдам ўқув марказини ривожлантиришни кўзда тутувчи Меморандум имзоланди.

Бу ўқув марказида тиббий тез ёрдам врачлари, ҳамширалари, фельдшерлари шунингдек ёрдамчи шахсий таркиб вакиллари (машина ҳайдовчилари) учун ўрта ва таянч тиббий таълим даражасида курслар уюштирилади. Курсларни АҚШнинг Ричмонд, Остин (Техас штати), Россиянинг Владивосток, Туркманистоннинг Ашхабод шаҳарлари тиббий тез ёрдам марказларида тайёргарликдан ўтиб келган маҳаллий малакали мутахассислар олиб боради.

Ушбу ўқув маркази биносини таъмирлаш ва мебеллар билан жиҳозлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисобидан амалга оширилган бўлса, АХССИ марказга ўқув асбоб-ускуналари, компьютерлар, принтер, факс, телевизор, видеомагнитофон, слайд ва проекторлар, электрон алоқа воситалари ва дастур таъминотларини тақдим этди.

Марказнинг расмий очилиш маросимида ўқув марказининг дастлабки тингловчиларига таҳсилни тугатганликлари тўғрисидаги сертификатлар тантанали равишда тақдим қилинди.

Ўйламизки, аҳоли соғлиғини сақлашда янги ўқув марказининг ҳиссаси катта бўлади.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири



Суратда: ўқув марказининг очилиш маросимидан лавҳа.

А.Тўраев (ЎзА) олган сурат

Ўқитувчи ёш дафтарига

160 ЁШЛИ ОНАХОН

Ўтган йили 122 ёшида вафот этган француз Жанна Кольман дунёда энг узоқ умр кўрган аёл сифатида тан олинар эди. Италиялик антрополог олим Жованни Перуччи олиб борган изланишлар Кольман хонимнинг умри рекорд натижа эмаслигини кўрсатди. Олим Кениянинг чекка ҳудудида яшовчи кикую қабиласида 160 ёшли Уонгуи исмли кампир истиқомат қилишини аниқлашга муваффақ бўлди.

ФИЛДАГИ ҚОБИЛИЯТ

Лиссабонда фаолият кўрсатаётган ҳайвонот боғларидан бирининг хизматчилари бу ерда боқилаётган бир филнинг алоҳида қобилияти борлигини сезиб қолишди. Эндиликда филнинг бу мусиқий қобилияти мўмайгина даромад келтирмоқда. Фил қафас ичига пул ташлаган томошабинлар учун қатор илиб қўйилган қўнғироқчаларни хартуми билан бир-бир тортиб, куй чалиб бермоқда.

ЯПОНЛАР ТАШВИШДА

Кейинги пайтларда тўғри овқатланмаслик япон болаларининг ташқи қиёфасига жиддий таъсир этмоқда. Бу ерда ўтказилган тадқиқотлар натижаси кейинги 30 йил ичида япон болаларининг бўйи ўсиб, вазни оғирлашганлигини кўрсатди. Маълум бўлишича, 30 йил давомида япон болаларининг бўйи 9,3 сантиметргача ўсган, вазни эса, 5-6 килогача ошган.

ТОВУҚ ҚАЧОН ХОНАКИЛАШГАН?

Икки қадимшунос олим - лондонлик Брайан Уайт ва пекинлик Пен Синжоу Шимоли - Шарқий Хитойда топилган товуқ скелетини радиоактив изотоплар ёрдамида ўрганиб чиқишди. Уларнинг фикрича, бу скелет 8 минг ёшда бўлиб, суяк тузилишига кўра хонаки товуқларга мансубдир.

Таътилдаги тарбия 2-бет

Тиббий таълимда қандай ўзгаришлар бўлаяпти? 2-3-бетлар

Имтиҳонлар бошланди 3-бет

Қалбга кўчган қушиқлар 4-бет

САВОБЛИ ИШ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Гўзал юртимиз мустамлака исканжасига тушгач фидоий инсонлар, зиёлилар бу зиндондан қутулиш учун ҳаракат қилдилар, бу йўлда жонларини қурбон қилдилар. Ўтган асрдаги илк босқич даврларида халқимиз сўрамай - нетмай қирғин қилинган бўлса, XX асрда бундай қирғинлар «маданийлашди» — мустамлакачилик сиёсати янги либос кийди. Энди сиёсий айбловлар орқали халқ қирғин қилина бошланди. 1918 - 20 йиллар, 1929 - 30 йиллар, 1937 - 39 йиллар, 1956 йил, «Ўзбеклар иши» номи билан тилга тушган 80 - йилардаги қатағонлар фикримиз далилидир. Мақсад битта — ҳар бир авлод ичидан етишиб чиққан, халқни бошқара оладиган, фикрини ўтказа оладиган турли соҳадаги маърифатли кишиларни «тозалаб туриш», оми оломонни доимий исканжада ушлаб туриш эди.

Мустақилликка эришгач қурбон қилинган кўпчилик фидойиларнинг номлари тикланди, ижодлари ўрганилди. Бироқ улар фақат машҳур боболаримиз- гина холос, лекин Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Ашурали Зоҳирий ва Файзулла Хўжаев, Чўлпон ва бошқа озодликка эришишни илгари сурган боболарнинг ғояларини жойларда тарғиб ва ташвиқ қилган, бунинг натижасида қулоқ қилинган «босмачи»ю «халқ душмани»га, порахўрга чиқарилган кўплаб унутилган номлар борки, уларни аниқлаш, хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, илмий ижодий меросини янада чуқур ўрганиш учун ва яна қатор мақсадлар кўзланган фармойиш Президентимиз томонидан имзоланганди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида мазкур фармойишга асосан тузилган жамоатчилик комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур ҳужжатнинг ижтимоий сиёсий ва маънавий аҳамияти ҳақида гапирилиб, бу вазифани амалга оширишда адолат ва холислик бош мезон бўлиши таъкидланди. Бу савобли ишда жойлардаги муаллимларимиз ҳам иштирок этадилар деган фикрдамиз. Комиссия мажлисини Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев олиб борди.

Ҳ.ОМОНОВ

ПСКЕНТДА КОЛЛЕЖ ҚУРИЛМОҚДА

Уни тезроқ фойдаланишга топшириш учун тинимсиз меҳнат зарур бўлади

Маълумки мамлакатимизда таълим тизимининг халқаро обрў — эътибори, кадрларни тайёрлаш даражаси, уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги, шунингдек, ташқи дунё билан мутахассислар алмашиши тобора кенгайиб бормоқда. Жойларда қурилиши олиб борилаётган академик лицей ва коллежларни тез орада битказишга бўлаётган интилишлар ана шу эҳтиёж пировардидир. Жумладан Пскент шаҳрида жойлашган, айни пайтда қайта таъмирланаётган 5-касб-ҳунар мактаби келгусида пскентлик

Jarayon

ёшларни коллеж типида қишлоқ хўжалиги мутахассислиги бўйича кадр қилиб тайёрлашга хизмат қилади.

Мазкур коллежнинг янги лойиҳаси вилоят бўйича ўтказилган тендерда 305 млн.га баҳоланиб, масъулияти чекланган «Бунёдкор» қурилиш жамиятига топширилган эди.

Ҳозир бу ердаги 4 та бинонинг ҳаммасида сувоқлаш ишлари тўла якунланди. Дераза ва эшиклар ҳам ўрнатиб бўлинди. Айни пайтгача 40 млн сўмлик ишни якунлаган қурувчилар мана шу ойнинг ўзида яна 50 млн сўмлик монтаж ишларини уддалашни режалаштиришган.

(Давоми 2-бетда)

АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

Мана бир неча йилдирки, Халқ таълими вазирлигига қарашли ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтириш бўйича республика лицейлари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ҳарбий спорт мусобақалари ана шундай номланади. «Амир Темур авлодлари» - ўқувчиларни шижоатга, эпчилликка, тезкор ҳаракат қилиб, зукколик билан вазиятни еча билишга чорловчи мусобақалардан биридир. Бу гал мазкур мусобақа Тошкент ҳарбий лицейида бўлиб ўтди.

Мусобақа иштирокчиларини Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев ва бошқалар табрикладилар.

Икки кун давом этган спорт ўйинларида ўқувчилар 6 та тур бўйича беллашдилар.

Умумжамоа ҳисобида барча тур мусобақаларда фаол қатнашган Тошкент шаҳар ҳарбий лицейи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ушбу жамоага мазкур мусобақаларда уч марта ғолиб бўлганлиги учун «Амир Темур авлодлари»нинг кўчма кубоги доимий сақлаш учун топширилди. Фахрли иккинчи ўринга Самарқанд лицейи, учинчи ўринга Фарғона лицейи жамоалари сазовор бўлишди.

G'urur

Шахсий ҳисобда эса, 100 метрга югуришда самарқандлик Фазлиддин Умаров 12,5 секунд, тошкентлик Тўлқин Муслимов 12,6 секунд натижа кўрсатиб ғолиб бўлишди.

Турникда 30 марта тортилган Самарқанд ҳарбий лицейи тарбияланувчиси Салоҳиддин Муродов, 25 марта тортилган урганчлик Алишер Ражабовлар, гранатани узоқликка улоқтиришда фарғоналик Низом Ҳожиев (53 метр), тошкентлик Ихтиёр Норов (51 метр)лар, 3000 метрга кросс югуришда мезбонлардан Азиз Азимов ва самарқандлик Салоҳиддин Муродовлар яхши кўрсаткичларга эга бўлиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Мазкур тадбир дастурига мувофиқ мусобақа қатнашчилари пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида бўлишиб, буюк саркарда ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Темурийлар тарихи давлати музейида бўлишди. Мусиқий чиқишлар мусобақа мазмунини бойитди.

Нурлан УСМОНОВ

КИМНИНГ ТИЛИ БУРРО?

Мамлакатимиз олийгоҳларидаги талабаларнинг иқтидорлиларини аниқлаш, уларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириб, ватанимиз тараққиёти учун устувор соҳаларга йўналтириш мақсадида ҳар йили анъанавий республика талабалар олимпиадаси ўтказилади. Улардан бири — чет тиллар бўйича олимпиада 1997 йилдан бери Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг қўшма буйруғига асосан пойтахтимизда, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари Университетида бўлиб ўтади. 13-15 май кунлари ўтказилган бу йилги олимпиадада мамлакатимизнинг

Olimpiada

турли ҳудудларидаги 17 та олийгоҳдан келган 119 нафар иштирокчи инглиз, француз ва немис тиллари бўйича ўз билимларини намойиш қилдилар.

Мусобақа шартларининг биринчиси тест синови бўлиб, бунда талабалар ўзи ўрганаётган чет тили ва шу тилга тааллуқли мамлакат тарихи, маданияти, иқтисоди ва сиёсатига оид 60 та саволга тўғри жавобларни белгилаши керак эди. Иккинчи шарт бўлмиш синхрон таржимада иштирокчи ўз она тилида эшитаётган матнни ўша заҳотиёқ чет тилига оғзаки таржима қилиши сўралди. Кейинги синовда талабага матнни чет тилида эшитгач, уни 3 дақиқа мобайнида ўша тилда изоҳлаб бериш шарти қўйилди. Навбатдаги босқичда эса иштирокчи чет тилида бирор фильмдан парча кўргач, уни ёзма равишда чет тилида шарҳлаб бериши керак эди. Охирги бешинчи шарт чет тилида суҳбат бўлиб бунда талаба комиссия аъзолари билан бирор бир мавзуда суҳбатлашиши талаб этилди.

Олимпиада материаллари- тест саволлари, матнлар ва фильмлар чет эллик мутахассислар томонидан тайёрланиб, беллашувларгача сир сақланди. Қизғин беллашувлар натижасида инглиз тили бўйича Н.Фарсиянц(ЎзДЖТУ), француз тили бўйича М.Кубишкина (ЎзДЖТУ), немис тили бўйича А.Абдукаримов (ЎзДЖТУ)лар биринчи ўринни эгалладилар. Жамоалар ўртасида ҳам ЎзДЖТУ ғолибликни қўлга киритди. ЎзДЖТУ ректорининг илмий ишлар бўйича муовини Гўзал Абдуллаеванинг таъкидлашича, 1-даражали диплом билан тақдирланган талабаларга тўрт ойлик стипендия миқдорида пул мукофоти берилади. Яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ғолиб талабага магистратурада ўқиш учун тавсиянома берилди.

(Давоми 2-бетда)

ПСКЕНТДА КОЛЛЕЖ ҚУРИЛМОҚДА

УНИ ТЕЗРОҚ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ УЧУН ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ЗАРУР БЎЛАДИ

(Боши 1-бетда)

Жамиятнинг Мирзали Усмонов , Рустам Отахонов, Абдусами Бегматов, Муҳаммаджон Хурсандов сингари 500 нафар қурувчилари икки сменада иш олиб боришмоқда. Уларга 5 - касб-ҳунар мактабининг Буниса Бойматова, Лида Галимова, Мирсаид Ҳошимов, Ўктам Мирхалилов каби ўқувчи ҳамда муҳандис муаллимлари яқиндан кўмак беришмоқда. Бироқ ҳали олдинда янги спорт зали, иситиш мажмуасини қуриш, ўқув тажриба биносини таъмирлаш каби бир талай ишлар турибди.

— Ҳозирда пардозлаш ишлари бошланди - дейди жамиятнинг бош муҳандиси Нурали Умаралиев. — Агар ишларимиз шу зайлда давом этса, 15 августга қолмасдан бинони таъмирдан чиқарамиз.

Дарҳақиқат, бу ердаги ҳаёт бир зум чумоли инини эслатади. Кимдир белкурак, яна кимдир бирор бир асбоб билан ўз ишига уннаган. Ҳатто ҳокимиятдагилар ҳам бу ерга одмироқ кийиниб келадиган бўлишибди. Боиси, қараб турмаслик.

— Бинони жиҳозлашга 152 млн ажратилди. Бу жойдан унча узоқ бўлмаган ердан 26,3 гектар тажриба майдони ҳам берилди- деб гап бошлади 5 - касб-ҳунар мактабининг директори Миролим Миркамолов.

— Ҳозир талабалар қаерда ўқитилмоқда, – сўраймиз ундан

— 14 та гуруҳимизнинг 9 таси айни пайтда турли ерларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда. Қолганлари эса, техника омборимизнинг ўқув тажриба хоналарида дарсларини давом эттиришмоқда.

— Коллеж мақоми олингач, мавжуд техникалар етарли бўладими?

— Техникаларнинг ҳамма туридан бор, бироқ уларнинг кўпчилиги таъмирга муҳтож. Шу жиҳатдан қараганда келгусида янги замонавий техникалар сотиб олиш эҳтиёжи албатта туғилади.

Ҳа, коллеж қуриляпти, насиб этса, 1 сентябрдан иш бошлайди ҳам. Лекин кадрлар масаласи қандай ҳал этилмоқда? Ушбу савол билан туман ҳалқ таълими мудири Турдиали Умаралиевга мурожаат этдик.

— Маълумки ўз-ўзидан 2000 ва ундан кейинги йилларга қадар мактабларнинг 10 - 11 синфларидан бўшовчи педагог кадрлар сони кескин кўпаяди. Шуларни ҳисобга олиб, ҳозирданоқ сараланган ўқитувчилар малака ошириш институтларига жўнатилиб, уларга сертификат олиб берилмоқда.

— Мазкур коллеж туман мактаблари ўтувчиларининг эҳтиёжини қондириши қай даражада бўлади?

— Бу йил 43 та мактабдан 9 ва 11 синфни 2562 нафар ўқувчи битиради. Мазкур коллеж ушбу ўқувчиларни 220 нафарини ўз бағрига олади.

Хабарингиз борки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорида «— Ҳар бир туман шаҳар марказида ташкил этиладиган касб-ҳунар коллежлари туманнинг қайси мутахассисга кўпроқ эҳтиёжманд эканидан келиб чиқиб ташкил этилади» дейилади. Шу ҳақдаги саволимиз билан туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини Муҳаммаджон Мусаев билан ўртоқлашдик.

— Тайёр кадрга харидор ҳам бўлиши керак, – дейди у. – Шу маънода туманимизни ихтисослашуви ҳамда Меҳнат биржаси маълумотларига таянган ҳолда, коллежнинг ихтисослик дастурини тузиб чиқдик. Мана шу жараёнда маълум бўлган далилларни ҳисобга олиб, 600 ўринли Қишлоқ хўжалиги коллежи қурилишини мавжуд бинони қайта таъмирлаш асосида бошладик. Бундан ташқари 2000 йилда ўта замонавий ўқитувчилар тайёрлаш коллежини қуришни ҳам режалаштирдик.

Биз тумандан қайтарканмиз беихтиёр Президентимизнинг мана бу сўзларини ёдга олдик: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади».

Пскентликлар ҳам ана шу зарурат боис, ушбу қурилишларни тез уддалашга ҳаракат қилаётган бўлишса не ажаб?

САЙЙИД ОЛИМ
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Ҳаётда қарор ўз ижросини топгандагина аниқ мақсадга эришиш мумкин. Йўқса ҳеч кимга нафи тегмайдиган қоғоздаги оддий ёзув бўлиб қолаверади. Шу маънода бошқарув аппарати барча бўғинларининг ташкилотчилик, ижро ва назорат фаолиятини такомиллаштириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, Узбекистон Республикаси Президенти фармонларининг ҳамда ҳукумат қарорларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Куни кеча мазкур қарорни халқ таълими тизимидаги ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ташкилий педагогик ва умумий ишлар бошқармаси томонидан амалий анжуман утказилди. Унда вилоятлар халқ таълими бошқармалари умумий бўлим раҳбарлари, девонхона масъуллари, республика ташкилотларининг иш юритиш бўйича мутасадди кадрлари иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари туман халқ таълими бўлими ва яна шу тумандаги 216-мактабда ҳам бўлишиб, бу ердаги ижро интизомининг аҳволи билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, улар Халқ таълими вазирлиги ташкилий педагогик ва умумий ишлар бошқармаси иш тажрибаси, Фармон ва қарорларнинг етказилиш ва бажарилиши мониторинги, уларни компьютерларда дастурлаш натижаларини ургандилар. Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари анжуман иштирокчиларига маърузалар ўқишиб, зарур тавсиялар беришди.

МУХБИРИМИЗ

КИМНИНГ ТИЛИ БУРРО?

(Боши 1-бетда)

ҲУҚУҚ БОРАСИДА УЧ СОАТЛИК БАҲС

Шунингдек, Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган Республиканинг 1-анъанавий олимпиадасида Самарқанд, Нукус, Фарғона, Гулистон Давлат университетлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички Ишлар Вазирлиги Академияси, Тошкент Давлат университети ҳамда Тошкент Давлат юридик институтининг энг иқтидорли талабалари иштирок этдилар.

Олимпиадани ўтказишдан мақсад мамлакатимизда қурилаётган ҳуқуқий ва демократик жамият учун юқори малакали мутахассисларни ҳамда ҳар томонлама баркамол инсонларни тайёрлашдан иборат. Берилган уч соат мобайнида талабалар, Конституциявий ҳуқуқ, Давлат ҳуқуқи назарияси, жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ ва Мусулмон ҳуқуқи фанлари бўйича ўз билимларини тест асосида синаб кўрдилар. Баҳсда 1-ўрин Тошкент Давлат юридик институти талабаси Шерзод Матиев, 2-ўрин Ички Ишлар Вазирлиги Академияси талабаси Ойгул Айдарова, 3-ўрин Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабаси Ҳусниддин Шерматовларга насиб этди.

Шухрат ЙИГИТАЛИЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбириКувончбек ҚОДИРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Бу йил Президентимиз фармони билан «9 май кунини Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан кейинги пайтларда турли хил анъана ва тадбирлар ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тўрақўрғон туманидаги М.Ботиров номли 18-ўрта мактабда ўтказилди. Волейбол бўйича ўтказилган турнир шу мактабнинг биринчи ғиштини қўйган собиқ директори, марҳум устозимиз Тўхтамурод Турдиев хотирасига бағишланди. Эрта тонгдан мактаб биноси байрамона безатилди. Хотира турнирига устозимизни дўстлари, ёру биродарлари, оила аъзолари, фарзандлари бирга ишлаган сафдошлари таклиф этилди. Домланинг фарзандлари, набиралари боболарига аталган шеър ва қўшиқлар ижро этишди. Хотира турнирига етти гуруҳ: 18-мактаб жамоаси, 17-мактаб, 24-мактаб, Ахси фуқаролар йиғинидан, туман спорт мактабидан иборат гуруҳлар таклиф қилинди. Мусобақа бошлаш учун старт берилди. Мусобақа жуда қизиди. Турнир сўнгида устозимиз фарзандлари ғолиблар учун ажойиб эсталик совғалари — гилам, чинни тўпламлари ва бошқа сувенирлар тақдим этишди.

Яйрахон ҚЎЧҚОРОВА,
Тўрақўрғон туман,
М. Ботиров номидаги мактабнинг ўқитувчиси

ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

Бугунги таълимимиз сифатини ва унинг келажак равнақини ижодкор ўқитувчилар меҳнатисиз тасаввур қилиш қийин. Шу маънода, умумий ўрта таълим мактаблари ва янги турдаги таълим муассасалари ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини аниқлаб рағбатлантириш, уларнинг бу салоҳиятларини янада такомиллаштириш борасида Жиззах вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган рассом ўқитувчилар кўргазмаси ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Кўргазмада ўз туманлари бўйича ғолиб чиққан умумтаълим мактаблари, лицей ва гимназияларнинг тасвирий санъат, чизмачилик ва бошқа фан ижодкор ўқитувчилари иштирок этдилар. Кўргазмани томоша қилганлар ўқитувчилар орасида рангни теран илғайдиган ва уларга чуқур мазмун сингдира оладиган ижодкорлар бисёр эканлигига амин бўлишди.

Шунингдек, худди шу институтда бўлиб ўтган «Устоз - хонанда» кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳам барча йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Мазкур танлов ҳам хонандалик, созандалик, раққосалик каби санъат турларини ўзида мужассам қилган муаллимлар ижодини янада ривожлантиришга, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ғоявий-эстетик тарбиясини яхшилашга, халқ миллий анъаналарини давом эттиришга, ўзига хос ижрочиларни аниқлашга, ижро маҳорати ва саҳна маданиятини юксалтиришга, оз бўлса-да, улуш бўлиб қўшилгани шубҳасиз.

Катта тантана билан ўтказилган бу ҳар икки тадбирда ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирландилар.

И.ИСМОИЛОВ,
М.УЗОҚОВ

«КАТТА»ЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мактабгача ёшдаги кичкинтойлар бир неча йилдирки, «Соғлом авлод учун» дастурига киритилган «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлаётирлар. Муаллифлик дастурига кирган ушбу жисмоний тарбия бўйича спорт беллашувлари бир қанча босқичларда ўтказилгани боис барча кичкинтойларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига имкон яратади.

Жажжи спортчилар дастлаб гуруҳларда ўзаро куч синашадилар, сўнгра эса терма гуруҳларда беллашадилар. Боғчада шаклланган ғолиблар командаси аввал туманда, кейин эса шаҳар миқёсида ўтказиладиган мусобақада иштирок этишиб, финалга йўлланма оладилар. Финал қатнашчиларининг беллашуви вилоят миқёсидаги мусобақа билан якунланади.

Жорий йилда Қашқадарё вилоятида «Соғломжон-полвонжон» мусобақаси тўрт ҳудуд бўйича ўтказилди. Қаршидаги Навоий номидаги боғда бўлиб ўтган беллашувда тўртта команда ғолиб деб топилди.

Ғолиблар ўзларининг куч ва маҳоратларини дастурнинг энг қизиқарли қисми бўлган турли масофаларга югуриш, сакраш ва велосипед пойгасида намойиш қилдилар.

Ғоят қизиқарли ўтган беллашувда Қамаши тумани биринчи, Чироқчи тумани иккинчи, Қарши шаҳри ва Қарши тумани спорт иштирокчилари эса учинчи ўринни олдилар.

«Катта» спортчиларимизга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

МУХБИРИМИЗ

МУЧАЛИНГИЗ МУБОРАК

Келажакнинг муносиб ворислари бўлган Сирғали туманидаги Увайсий номидаги 104-мактабнинг иқтидорли 6-синф ўқувчиларининг "мучал тўйлари" нишонланди. Бу санани улар аъло ва яхши баҳоларда ўқиш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш ила кутиб олдилар.

-Бу синфдаги зеҳнли, қобилиятли ўғил-қизларимиз мактабимиз фахри,- деб кечани очиб берди мактаб директори Адиба Домлажонова.

Синф раҳбари Матлуба Саидҳўжаева меҳрибон ўқитувчи ва тарбиячидир. У ўз билим ва маҳоратларини ўқувчиларининг муносиб авлод бўлиб етишиши йўлида сарфламоқда. Шодиёнада ўқувчилар ўзлари тайёрлаган сценарий асосида куй ва қўшиқлар, кулгили саҳна кўринишлари, интермедиялар ижро этдилар. Айниқса, "Булбулча" ашула ва рақс гуруҳи қатнашчиси Ирода Мирҳусановнинг жозибали рақсларини меҳмонлар ҳаяжон билан олқишладилар.

Шоир Рауф Толибнинг "Ҳамма хайрон" номли ҳикоялар тўплами ўқувчиларга кутилмаган совға бўлди. Унда ҳар бир ўқувчининг исми келтирилган мувашшаҳ битилганди.

Сурайё ШАЙХОВА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг барча жамоалари ўртасида «Аёл — ҳаёт гултожи», номли кўрик-танлов бўлиб утди. Унда мазкур институт қошида очилган етгинчи иқтидорли болалар лицей интернати ўқувчилари иштирок этдилар. Кўрик-танловда фаол иштирок этган аълочи ўқувчилар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори даражада баҳоланди ва танлов лауреатлари деган номга сазовор бўлдилар.

Шу ўринда бир сўз. Танловни ўтказишдан мақсад бадиий ҳаваскорликда қатнашувчи талабаларнинг энг яхши ютуқлари, халқ ижоди, миллий мусиқа анъаналарини асраш ва ривожлантириш ёш авлодни санъатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, инсоний қадриятни улуғлаш, шунингдек келгусида ижодий ҳамкорлик доирасини кенгайтириш борасида ўзаро дўстлик, бир-бирини тушуниш, талабаларнинг маданий маънавий муносабатларни мустаҳкамлаш, шу билан бир қаторда аёлнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини барча даражадаги бошқарув тузилмалари жамоат ташкилотларидаги роли, шахсий ҳаёти ва меҳнат фаолиятини янада яққолроқ кўрсатиб беришдан иборат эди.

АЁЛ – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Фестивал натижалари сарҳисоб қилинаркан, ушбу кузланган мақсадларга бир мунча эришилганига гувоҳ бўлдик.

Латофат ХИДИРАЛИЕВА,
ТИҚХММИ қошидаги ихтисослашган лицей ўқувчиси

ТАЪТИЛДАГИ ТАРБИЯ

Metodik tavsiyalar

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида тарбия ишлари мазмунини қандай белгилаш керак? Бу жараёнда маънавий аҳлоқий ва миллий удумлар, ўзаро инсоний муносабатлар, мустақил фикрловчи, ижодкорлик каби бебаҳо сифатларни шакллантиришни асосий вазифа қилиб олиш лозим. Бу бўш вақтни тўғри ва оқилона ташкил этишнинг бош негизидир. Чунки болалар оромгоҳлари узлуксиз таълим тизимида ёш авлоднинг таълимга бўлган, янги тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш, жамоадаги барқарорликни, маънавий баркамолликни таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва ўтказишда қуйидагиларга эътибор беришни тавсия этамиз.

Хизматлар кўрсатувчи муассасалардан бири бўлган соғломлаштириш оромгоҳлари тармоғини кенгайтириш хусусан, мактаблар қошидаги лагерлар фаолиятини ҳам жонлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур педагогик ва бошқа ходимлар билан тўлиқ таъминлаш, уларни миллий руҳда безашга аҳамият бериш керак. Бўш вақтни мазмунли ўтказишнинг энг қулай шаклларидан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари, туризмни, айниқса, миллий спорт машғулотлари ва ўйинлари (миллий кураш, чавандозлик, қиличбозлик, «Чиллак», «Ўмбалоқ ошиш», «Ғозлар», «Тапир-тупир, қалдирғоч», «Сув байрами» кабилар) уюштирилади. Миллий урф-одатлар, анъаналар маданий меросимиз, халқ педагогикаси, миллий қаҳрамонлар, алломалар, сиймоси ва ўгитлари асосида тарбиялаш, Хива, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Нурота, Термиз каби шаҳарлар тарихий обидаларига бағишланган умуморомгоҳ тадбирларини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ватан, она юрт, ўз ўлкасини ўрганиш, ватанпарварлик, миллий ғурур туйғусига эътибор бериш, ҳар бир оромгоҳ учун хос бўлган «Огоҳ бўлинг!» шиорига амал қилиш, болаларни ҳар хил диний оқимлар, уларнинг мақсадларидан огоҳ этишга катта аҳамият бериш лозим.

Табиатни муҳофаза қилиш, — «Гул байрами», «Қушлар байрами», «Экология ва саломатлик куни», «Табиат гўзаллигини асраймиз», кўрик-танловлари уюштириш, «Гўзаллик оламида», «Сумбула сайли», «Ўзбекистоннинг қизил китоби» ҳақида ҳикоя қилиб бериш керак.

Мазкур тадбирларни табиат бағрида, тарихий ва маданий кошоналар (музей, қадамжолар)га саёҳат қилиш орқали амалга ошириш тавсия этилади. «1-июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни», «27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни», Аёллар йилига бағишлаб — Тўмарис, Увайсий, Зебунисо, Нодирабегим, Зулфияхоним сиймоларини тўлароқ гавдалантирувчи саҳна кўринишлари намойиш этиш лозим.

Миллий ҳунармандчиликка оид тўгараклар сафини кўпайтириш ва уларга ўқувчиларни кенгроқ жалб этиш, «Устоз ва шогирд» анъанасини давом эттириш керак.

Спорт-соғломлаштириш, бадиий-нафосат, ижодий ва бошқа касб-ҳунарга оид тўгараклар ташкил этиб, ҳар бир боланинг хоҳиш-иродаси бўйича камида икки тил спорт тўгарагига қатнашишини шарт қилиб қўйиш лозим.

Шунингдек, тўгараклар ҳар куни мунтазам равишда ишлаши учун оромгоҳларнинг илгариги кун тартибига ўзгартиришлар киритиб, эрталабки ва тушдан кейинги барча машғулотларни бир вақтда ёппасига ўтказилишини таъминлашга эришиш;

— ҳар бир тарбиячи, етакчи ҳам камида бир тўгарака раҳбар бўлишини шарт қилиб қўйиш;

— халқ маданий меросига оид янги марказлар ташкил этиш;

— «Устоз ва шогирд», «Меросга ихлос», «Болалар меҳнат биржаси», «Болалар меҳр-шафқат маркази», «Кичкинтой маркази», «Мустақил истиқлол овози маркази», спорт ва жисмоний тарбияга оид миллий кураш, чавондозик тўгараклари ташкил этиш;

— бадиий эстетикага оид «Қувноқ қалам танлови», «Қувноқ овозлар кўрик-танлови», «Эртаклар гулхани», «Эртаклар оламида», «Урушга қарши қўшиқлар кечаси», «Дўстлик ҳалқалари», спорт ўйинига оид янги-янги тўгараклар очиш, «Фойдали иш қидирувчи», «Тинчлик ва ҳамкорлик болалар фестивали», каби кўрик-танловлар уюштириш мақсадга мувофиқ.

Тўгарак машғулотлари дастурида халқ ҳунармандчилиги, бадиий ҳаваскорлик, спорт ўйинлари, санитария-гигиена асослари бўйича билим ва кўникмаларни сингдириш, турли касб ва шаклдаги тўгарак, клуб ва марказ ишларини тарғиб қилиш учун машғулотлар мазмуни бўйича «Танишув-тақдими»-ни ўтказиш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Оромгоҳда бўлган вақт ичида ўқувчиларнинг касб бўйича ҳосил қилган малакаларини хайрлашув кунида намойиш этиш лозим.

Мазкур тадбир якунловчи мусобақа, олимпиада, кўргазма, танлов, концерт ва ҳоказо кўринишларда амалга оширилиши мумкин.

Оромгоҳ тўгарак раҳбарлари учун ёрдам сифатида методика хонасини ташкил этиш ва унда зарур методик адабиётларни тўплаш керак.

Тўгарак раҳбарлигига олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари талабаларини жалб этиш ва уларнинг амалий ўқув-курсини ташкил этиш лозим.

Туман соғлиқни сақлаш бўлимлари, республика, вилоят, шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари малакасини ошириш институтларида оромгоҳ тўгараклари раҳбарларини тайёрлаш учун улар ўқувини ташкил этиш, курсни бошқариш учун мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасалари ходимларини жалб этиш лозим.

Таътилдаги тарбия шундай ташкил этилиши керакки, оромгоҳда ўтган кунлар, чиройли тадбирлар бир умр бола хотирасига муҳрлансин. Шундагина оромгоҳлар ўз вазифасини ўтаган бўлади.

Республика Таълим маркази «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими

Farmon va ijro

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАЯПТИ?

Жамиятимизнинг турли жабҳаларини қамраб олган ислоҳотлар жараёни тиббиётни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони (1998 йил 10 ноябрь) тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш, бунинг учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялашга эътибор қаратилгани ҳолда тизим учун малакали тиббиёт ходимлари тайёрлашни ҳам муҳим масала қилиб қўйди.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, дейди доно халқимиз. Инсон бор экан, тиббий хизматга, табибларга эҳтиёж сезилаверади. Хўш, эртанги врачлар, тиббиёт мутахассислари бўладиган бугунги талабаларнинг билим даражаси қандай?

Биз 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳомид Каримов билан шифокор кадрлар тайёрлаш масалалари, замонавий тиббий ўқув тизими хусусида суҳбатлашдик.

- Ҳомид Ёқубович, кейинги вақтларда соғлиқни сақлаш тизими ва унда хизмат кўрсатаётган айрим мутахассислар борасида жамоатчилик ўртасида турлича фикрлар, қарашлар мавжуд. Шундай экан, бугунги тиббиёт ислоҳотларга муҳтож, тиббий таълим ҳам. Айнан шу борада институтингизда қандай ишлар амалга оширилаяпти ва сизнингча, ўзбек тиббий таълимини жаҳон тиббий таълимига интеграциялашув жараёнида қайси омиллар муҳим роль ўйнайди?

- Дарҳақиқат, кенг жамоатчилик томонидан билдирилаётган турли-туман фикр-мулоҳазалардан аёнки, бугунги кунда тиббиёт соҳасида ва хусусан, тиббий таълим, умуман соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотларга муҳтождир. Дунё миқёсида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш илғор тажрибалари натижасига кўра тизимдаги ўзгаришлар, соғлиқни сақлаш даражаси фақат молиявий таъминот билангина боғлиқ бўлиб қолмай, балки уни ташкил этишда энг муҳим элемент ҳисобланган бирламчи тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш лозимлигини тасдиқлайди. Эътиборингизни бир далилга қаратмоқчиман. АҚШда соғлиқни сақлаш учун миллий даромаддан катта миқдорда маблағ ажратилишига қарамай (12-14%) аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичлари кўпгина Ғарб мамлакатларникига нисбатан анча пастдир. Бунинг асосий сабаби, Ғарбий Европа давлатларида инсонларнинг саломатлиги, соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг олдини олиш соҳасида мунтазам фаолият кўрсатаётган врачларнинг нисбатан кўплигидадир. Канада, Буюк Британия, Японядаги врачларнинг 57-73 фоизи бирламчи бўғинда фаолият кўрсатади. Шу боисдан мазкур давлатлар аҳолиси саломатлигининг кўрсаткичлари дунё бўйича биринчи еттиликдан ўрин олган. Бунинг сабаби, уларда бирламчи бўғинда фаолият кўрсатувчи юқори малакали умумий амалиёт врачларини ва оилавий шифокорларни тайёрлашга қаратилган эътибордадир. Бу қиёслашлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бирламчи бўғин қанчалик заиф ва бўш бўлса, сарф-харажатлар кўлами шунчалик юқори, аксинча соғлиқни сақлаш самарадорлиги эса паст даражада бўлади.

Шу маънода умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашдаги ижобий халқаро тажрибаларни инобатга олиб олийгоҳимизда қўллаяпмиз. Бунинг натижаси ўлароқ, профиллаштирилган ўқитиш тизимидан (1991-1994 - субординатура) умумамалиёт шифокорини тайёрлаш тизимига ўтдик. Ўқитишнинг предмет услубини (1990-1992) интеграцион жараён (умум амалиёт шифокори тайёрлаш дастури) билан алмаштирдик.

Тиббий таълим тизимини замонавийлаштиришда, янгича педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этишимизда институтимизнинг ташқи дунё билан боғланаётганлиги қўл келаяпти. Айниқса, Чикагодаги (АҚШ) Иллинойс университети билан институтимиз ўртасида имзоланган меморандум АҚШ тиббий мактабининг илғор педагогик технологияларини, уларнинг концепциялари, дастурлари, тайёрлаш муддатлари, олий ўқув юрти ва клиник базалар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш имконини берди. 60 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар, врачлар у ерда стажировка ўтаб қайтишди. Ўз навбатида 50 нафар америкалик олимлар, педагог ва тестлаштириш департаменти мутахассислари институтимизга ташриф буюришиб, ўзларининг амалий маслаҳат ва аниқ ёрдамларини беришди.

— Домла, хабарингиз бор, Ғарбдаги тиббий таълим тизимининг афзалликларидан бири, талабаларни клиник маҳоратини шакллантириш ва уни назорат қилиш учун компьютер дастурларидан фойдаланишни ўргатишдан иборатдир. Институтда комьютер саводхонлиги, умуман замонавий асбоб-усканалар билан ишлаш қай даражада йўлга қўйилган? Тиббиётда анча мураккаб бўлса-да, талабаларнинг билим даражаси қай усулда аниқланаяпти?

— Компьютер дастурлари анъанавий ўқитиш услубини жиддий равишда тўлдириб, ёш шифокорлардан клиник фикрлашнинг шаклланишига, инструментал текширишларни баҳолашга ва вазиятга доир кўникма ва маҳоратни эгаллашга ўргатади. Институтимиздаги педагогик жараёнларда талабаларни тиббий-биологик ва фундаментал фанлар бўйича ўқитиш учун АҚШнинг Атланта штатидан олиб келинган «Адам» туркумидаги компьютер дастурларидан фойдаланилиб келинмоқда. Айни вақтда институтда 319 компьютер талаба ва олимларга хизмат қилаяпти.

1 2 3

ОХИРАТИНГИЗ ОБОД БЎЛСИН!

Республикамиз халқ таълими фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ўзбекистон Республикаси Маориф вазирининг собиқ ўринбосари Иброҳим Солиевич Мўминов 79 ёшида вафот этди.

Меҳнат фаолиятини 1936 йилда ўқитувчиликдан бошлаган И.С. Мўминов бутун умрини ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бағишлади. Шу давр мобайнида И.С. Мўминов Республика Маориф вазирининг ўринбосаригача бўлган сермашаққат ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Иқтидорли ўқитувчи, ташкилотчи мактаб директори И.С. Мўминов 1951 йилдан 1961 йилгача Бекобод шаҳар халқ таълими бўлимини, 1961-1965 йилларда Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасини бошқарди. 1965 йилдан Маориф вазирлиги Мактаблар бошқармаси бошлиғи, 1971 йилдан 1984 йилгача вазир ўринбосари лавозимида ишлаб келди.

И.С. Мўминов бор билими ва салоҳиятини таълимни такомиллаштириш, ўқувчи-ёшлар тарбиясига сарфлади. У таълим муассасалари, айниқса мактаб иши хусусиятларини чуқур биларди. Республикада малакали педагог кадрлар тайёрлаш, улар билан мактаб ва бошқа таълим муассасаларини таъминлашни яхшилаш, халқ таълими тизимида педагогик ва раҳбар кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ҳамда тарбиялашда эришилган ютуқларда И.С. Мўминовнинг катта хизматлари бор эди.

И.С. Мўминовнинг таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган эди. У орден ва медаллар билан мукофотланган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвони соҳиби эди.

И.С. Мўминовнинг порлоқ хотираси ўртоқлари, ҳамкасблари, шогирдлари қалбида узоқ йиллар сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.





Sinov manzili

ИМТИҲОНЛАР БОШЛАНДИ

Шу йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида «Умумий ўрта таълим муассасаларида 1998 - 99 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билим ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги буйруқ имзоланган эди. Буйруқда умумтаълим мактабларининг 4-синфларида ва битирувчи 9-, 11-синфларида жисмоний тарбия фанидан имтиҳон 1999 йил 12 майдан 22 майгача қадар ўтказилиши белгилаб қўйилган. Айни кунда илм масканларида мазкур фандан имтиҳонлар давом этяпти.

Тошкент шаҳридаги 22 - мактабда ҳам бу жараёнга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Имтиҳон комиссия раиси ва аъзолари - чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси Отабек Халилов, мактаб илмий бўлим мудири Нуриддин Салимсоқов ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари Тилла Авезова, Камолиддин Ҳақназаровлар ўғил-қизларнинг спорт соҳасидаги назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказаётирлар. Хуллас, у ерда ўғил-қизлар етуклик имтиҳонидан ўтишяпти.

МУХБИРИМИЗ

Суратларда: илм маскани 9-синф ўқувчилари югуриш, гранатани узоқликка улоқтириш ва ерга таяниб кўтарилиш каби амалий машқлардан имтиҳон топширишмоқда.

Равиль Альбеков олган суратлар.

МАЪРИФАТНИНГ РАДИОДАГИ ЖОНКУЯРИ

Қачонки, радио мурватини бурасангиз, ўзингизга таниш овозларни, оҳангларни эшитасиз. Ана шу овоз соҳибларидан ҳаммамизга яхши таниш Абдурашид ака Исроилов (суратда ўртада) бўладилар. Абдурашид ака 1949 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1976 йили Тошкент Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли тугатган. 1988 йили эса журналистик фаолиятидан ажралмаган ҳолда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик куллиётини ҳам тамомлаган. Шундан бери мана йигирма йилдирки, республика радиосининг маориф ва тарбия бош муҳарририятида ишлаб келяпти.

Абдурашид ака бу давр ичида «Келажак тонги», «Аланга», «Жонажон табиат», «Долзарб мавзу», «Мактаб муаммолари», «Болаларни деб...», «Иймон ва эътиқод сабоқлари» каби эшиттиришларни тайёрлаб келди. Сўнгги йилларда эса ҳафтада икки марта тўлқинга чиқадиган «Маърифат истар кўнгил» эшиттиришини олиб бораяпти. Иқтидорли журналист ўзининг фаолияти давомида изчил изланишлари боис, бир неча маротаба фахрий ёрлиқлар соҳиби бўлди. Алқисса, Абдурашид ака шу кунларда муборак ёшларини қарши оляптилар. Биз ана шу фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбимизни қутлуғ ёшлари билан қутлаб қоламиз.

Таҳририят.

ЧУМОЛИ ОЁҒИДАГИ КИШАН...

(«Отамнинг улфатлари» туркумидаги ҳикоялардан)

Отамиз раҳматли илмсизликни, илмга назари пастлик билан қарайдиганларни ёктирмас эдилар. Шу сабаб ҳам «Ўқиб, шаҳар олиб берармидинг», «Ҳамма ўқимишли бўлиб кетаверса подани ким боқади» қабилида иш кўрадиган, ўз фарзандига Оллоҳ томонидан бериладиган қобилиятни рад этгувчиларни «жоҳил кишилар» деб қўярдилар. Шу сабаб у киши ўнта фарзандининг ҳаммасини ўқимишли қилиб тарбиялаган эдилар.

Бир куни отам улфатлар билан Турбат адирларига кўклам сайлига чиқишган экан. Шунда айнан мана шу мавзуда баҳс қизибди. Бирлари «касб-ҳунардан киши барака топади» деса, бошқалари «Оллоҳни таниш ҳам, дунё ташвишларини енгиш ҳам илмдандир» дейишибди. Шунда жўрабоши, Зиёвуддин қори амаки (Зиёвуддин ибн Бобохон йирик ислом уламоларидан бири):

— Биринчи галда етти иқлимни яратган, йўқдан бор қилган Оллоҳнинг назаридан келиб чиқмоқлик керак, деб сўз олган эканлар. Аллоҳ насибамизни турли манзилга, турли-туман касб-ҳунардан тирикчиликка боғлаб қўйибди. Шунга ярашиғлик маҳорат, илмга муҳаббат, ғайрат ва муҳими, илм-фан, касб-ҳунарга ишқингизни тортгувчи ақл неъматини бериб қўйибди. Касб-ҳунар афзалми, илмуфан афзалми деган саволнинг ўзи кишини ранжитади.

Зиёвуддин амаки бироз тин оладилар, улфатлар жимиб қолишган. Гўё ҳаммалари саволларига керакли жавобни олаётгандек эдилар.

— Шу ерда бир ривоят ёдимизга тушади, — жўрабоши жойлашиброқ ўтириб олиб, сўзларида давом этадилар, — Шояд ушбу сўзимиз мазкур суҳбатимизга яна ҳам ойдинлик киритса.

Тарихдан маълум, қайси мамлакатда у амирлик бўладими, подшоҳлик бўладими,назар ташлайдиган бўлсак, юртбоши олимуламоларга, санъат, касб-ҳунар аҳлига ҳайрихоҳлик билдирибдими шу мамлакат гуллаб-яшнайверган. Халқи ҳам маъмур, фаровон турмуш кечирган. Бу ҳақиқатдир. Мана шундай бир ибратли салтанатда, Мовароуннаҳр деган юртимизда бир замонлар ҳам илму-фан, ҳунармандчилик обдон авжига чиққан экан. Бозорлари нозу-неъматларга тўла, фуқароларнинг дастурхони тўкин-сочин экан. Шу юрт подшосининг бир яхши одати бор экан. Ҳар йили бир маротаба илм аҳлини, касбу-ҳунар аҳлини имтиҳон қилиб кўраркан. Ва иштирокчиларнинг ўзига яраша илми, ҳунари, ижоди, яратувчанлигига қараб мукофотлар берар экан. Бир куни мана шундай синов онлари яқинлашганда подшоҳ яна фармон эълон қилибди. Уни жарчилар халққа етказмоқда эмиш:

— Ҳой-ҳой, одамлар эшитмадим деманглар, эшитганлар жилманглар! Олампаноҳимизнинг фармонларига биноан, юртимиз фуқароларининг орасинда неки ҳассос олим, уламо, ҳунарманд, хонандаю-созанда, бахши-ю шоир, меҳнат аҳли, ижод эгаси бўлса эрта тонгла саройга борсин! Фармон шарти шулким-беллашаман деган кимса илму-санъати, касбу кори маҳсулидан намуна олиб бормоғи лозимдир...

Ҳой-ҳой одамлар...

Тонг отди. Қуёш заррин нурларини мамлакат сарҳадларига ёйиб улгурмасданоқ саройга бирин-кетин юртнинг иқтидорлилари кела бошлашибди. Подшоликнинг бош саройига гир айлана мовут, кимҳоб кўрпачалар тўшалибди.

Ўша даврда бир Ширмой бува деган новвой бўларкан. У кишининг нафақат пойтахтда, балки бутун мамлакатга донғи кетган экан. Бунга сабаб қария салкам етмиш турдаги нонни ярата оларкан. Хуллас, Мағрибдан Машриққача донғи кетган ана шу Ширмой бува саройга биринчи бўлиб келибди. Турли ҳажм ва шаклдаги, ранги ҳам турлича бўлган ўндан ортиқ бўрсилдоқ нонларни савати билан подшоҳга узатарша Комил заргар чумолининг оёқларига тиллодан ясалган кишан урмишдир. Мана олампаноҳ ўзингиз бир назар ташланг.

Подшоҳ ойнаванд идиш ичида чумолининг занжирбанд бўлиб турганини кўриб ёқасини ушлади. Сарой аҳли ҳам «офарин, офарин, боракалло» деб олқишлади. Подшоҳ занжирбанд чумоли сақланаётган шиша идишни кўзи олдига яна ҳам яқинроқ келтириб, ишонинқирамай, қайта-қайта тикилар экан, бироз жимиб қолди ва мулозимга заргарни саройга таклиф этишларини буюрди.

Бир пайт сарой дарвозасидан икки қўли билан дуҳоба жилдли бир катта китобни яна бир киши кириб келди.

Эшик олдидаги мулозим у кишининг қўлидаги китобни подшоҳга узатаркан:

— Олампаноҳ, бу киши олиму фозил, Ислом пешволаридан бири мавлоно Зайниддин ҳазратларидир.

Подшоҳ, янги ёзилган, ҳали сиёҳи қуримаган китобни бирма-бир варақлай бошлайди.

— Ё алҳазар, ахир бу ерда бутун аждодларимизнинг тарихи битилмиш-ку? Отабоболаримиз юмушлари-ю қанчадан-қанча илм аҳллари, хонлару беклар, ҳунарпешалар ҳақида баҳоят қимматли маълумотлар битилмиш. Офарин.

Подшоҳ тахтидан тушиб, олимнинг истиқболига пешвоз чиқди. Қўл узатиб кўришди.

— Боракалло, эй Ҳудайчи, мавлоно Зайниддинга шоҳона либос тортиқ этинг. Истаганича сиймузар берилсин, турмушидан хабар олиб турилсин. Сарой тўридан жой кўрсатинг, бу кишига...

Шу куни қолганлар ҳам ўз меҳнатлари, маҳоратларига яраша, ижодларига ярашиғлиқ тақдирланибдилар. Саройдаги ҳозирланган улуғ даврадан ҳар бирларига муносиб жой кўрсатилибди. Комил заргарнинг ҳунарига қанчалар тасаннолар айтилмасин, ҳунари қанчалар нозик ва бетакрор бўлмасин подшоҳ амрига кўра пойгакдан жой берибдилар. Дунёвий ва уқбовий илмларнинг устаси, иймон ва эътиқодда ботир мавлоно Зайниддин ва бошқа уламои киромлар зиёфатнинг тўридан жой олибдилар...

Ҳа, биродарлар, илмли киши, илм аҳли ҳамиша сийланиб келинган. Сабаби шуки, барча ҳунарукасбларнинг турмуш мураммоларининг калити илмдандур. Бу ҳақда боболаримиз нақадар доно ўйлаган.

Абдурашид ИСРОИЛОВ.

МАКТАБНИНГ ТАЖРИБА МАКТАБИ

Рейтинг усули таълим тизимимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Бу усул ўқувчи (ўқитувчининг ҳам) билимини баҳолашнинг асосли ва адолатли усулидир. Нега шундай? Чунки, бу тизим «5» балли баҳолаш тизимидан фарқли ўлароқ, таълимнинг (тарбиянинг ҳам) барча жараёнларини ўз ичига қамраб олади. Ўқувчининг дарсга ўз вақтида келиши дейсизми, билим даражаси, олимпиада ва бошқа жамоат тадбирларида иштирок этиши, ахлоқ-одобими, қўйингки, барчасининг баҳосини ўзида мужассам этади рейтинг усули.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 15-мактаб ўқитувчилари жамоаси мана уч йилдирки, ўқувчиларни АҚШ, Германия таълим тизимидан ўзлаштирилган, маҳаллий шарт-шароит ва хусусиятларга мослашган рейтинг тизимида баҳолашмоқда.

Куни кеча мазкур мактабга туманнинг барча мактаб директорлари, директорнинг таълим ҳамда маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари ташриф буюриб, ҳамкасблари тажрибаси билан яқиндан ўртоқлашдилар. Семинар қатнашчилари шу куни физика, тарих, химия, информатика, математика, инглиз ва рус тиллари, адабиёт ва ўқиш, ашула дарсларига кириб, бевосита ўқув жараёни ва ўқувчиларни рейтинг усулида баҳолаш тартиби билан танишдилар.

15-мактабда 1280 нафар ўқувчи сабоқ олаяпти. Уларга 90 нафар ўқитувчи таълим ва тарбия беради. Шу куни мактабнинг фаол ўқувчилари устозлари кўмагида «Хотира ва Қадрлаш куни»ни ҳам нишонлашди. «Марҳумларни ёд этиб, тирикларни шод этиб» деб номланган учрашувда бир вақтлар шу мактабда таълим олган собиқ ўқувчи — машъум Афғон урушида ҳалок бўлган А.Асқаров хотираси ёдга олинди. «Аёл ва тинчлик» деб номланган бадиий-мусиқий композицияда эса ўқувчилар ўзбек миллий удумларини намойиш қилишди. Улар А.Қодирий асарларидан саҳна кўринишлари ижро этдилар. Кечада А.Қодирийнинг невараси Хондамир Қодирий сўзга чиқди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан туман маорифчилари туман халқ таълими бўлими назоратчиси Олимжон Деҳқонбоевни табаррук 60 ёшлари билан муборакбод этишди. Орамиздаги кексаларни авайлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам қадрлашга киради.

Д.ХЎЖАЕВА

ҲУДУД ХАБАРЛАРИ

ЯНГИ МАКТАБ

Асака туманидаги 14-ўрта мактаб учун 834 ўринли янги мактаб биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу мактаб биносини Андижон 2-агроқурилиш трестининг Марҳаматдаги 113-кўчма механизациялашган колоннасининг қурувчилари қуриб фойдаланишга топширдилар. Мактаб учун 180 ўринли ошхона, тўлиқ жиҳозланган спорт зали, лингафон кабинети мавжуд. Янги мактабда 31 та фан кабинети ишлаб турибди. Бу кабинетлар лотин алифбосида жиҳозланиб, техника воситалардан телевизор, кадоскоп, эпидиоскоп билан жиҳозлантирилган. Бу мактабда 922 нафар ўқувчи ўқимоқда. Уларга 58 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Бу ғамхўрлик учун мактаб педагогик, ўқувчилар жамоаси, отаоналар чексиз мамнун бўлдилар.

ЎҚИТУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Қўрғонтепа туманида волейбол, мини футбол, стол тенниси, шахматшашка бўйича ўқитувчилар спартакиадаси бўлиб ўтди. Бу мусобақада 300 дан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячилар иштирок этдилар. Икки кун ўтказилган мусобақада волейбол бўйича 21-ўрта мактаб, мини футбол бўйича Қўрғонтепа туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, шахмат мусобақасида 10-ўрта мактаб, шашка бўйича 1-ўрта мактаб, стол теннисидан 25-ўрта мактаб спортчилари биринчи ўринни эгалладилар. Ғолиб жамоалар таълим ходимлари Қўрғонтепа туман касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

МИЛЛИЙ КУРАШ МУСОБАҚАСИ

Олтинкўл туман халқ таълими бўлимига қарашли футбол ва миллий кураш мактабида Ўзбекистон Республикаси V ўқувчилар спартакиадаси дастуридаги миллий кураш мусобақаси бўлиб ўтди. Бу мусобақада Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларининг ёш спортчилари иштирок этдилар. 4 кун ўтказилган мусобақа якунига кўра, Андижон вилояти ёш курашчилари фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Андижонлик ёш курашчилардан Зафарбек Халилов 42 кг вазнда, Жаҳонгир Қамбаров 76 кг вазнда, Шоядбек Ҳакимов 50 кг вазнда ва Д.Шержонов 80 кг вазнда миллий кураш мусобақасида ғолиб деб топилди. Наманган вилояти ёш полвонлари иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринни қўлга киритдилар. Ғолиблар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ

Бу ерда барча талабаларнинг курсларга доир ва Давлат имтиҳонларини ўтказиш учун билимини тест орқали назорат қилиш Марказини ташкил қилганмиз. Тест марказида АҚШдаги педагогик амалиётда қўлланиладиган тестлар ҳамда фундаментал, клиник фанлар бўйича назорат дастурлари орқали талабанинг билим даражаси аниқланаяпти.

Ўқув жараёнида талабаларнинг фикр доирасини кучайтириш мақсадида ўқитувчи-назорат қилувчи дастурини кенг қўллаяпмиз. Ўқитишнинг бу усули талабаларни ўқув адабиётлари билан мустақил ишлаб, назарий билим ва маҳоратларини оширишларига сабаб бўлаяпти. Талабаларнинг кундалик машғулотларида оладиган билимлари оралиқ ёки якуний назорат натижалари ҳақидаги барча маълумотлар ўқув марказида концентрацияланади ва у талабаларнинг барча фанлар бўйича баллари мониторингини таъминлайди. Кафедраларда талаба ҳақидаги кундалик маълумотлар ўзлаштириш экранларида ўз ифодасини топади. Рейтинг параметрлари (ЖН, ОН, ЯН) бўйича таҳлилий жараёнини махсус тайёрланган дастур таъминлайди ва талабаларнинг жорий ўзлаштириш даражасини модулига доир тайёрланиши (тест услуби)га асосан назорат остида ушлаб туриш имконини беради. Кейинчалик эса, бу маълумотлар кафедра профессорлари томонидан ўтказиладиган оғзаки сўров орқали талабаларнинг клиник фикрлаш даражаларига қўйилган баҳолари билан таққосланади. Олинган маълумотлар солиштирилиб, таҳлил этилгач, улардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин бўлади:

— ўқитувчининг гуруҳ талабаларини ўқитиш сифати ҳақида;

— модулдаги тест саволларининг сифати ҳақида;

— талабаларнинг модулга тайёрланиш сифати ҳақида;

— талаба томонидан клиник асослари ўзлаштирилганлиги ва унинг касбий фикрлаш қобилияти ҳақида (ОНнинг 2-босқичи);

— фаннинг умуман ўзлаштирилганлик даражаси

(якуний тест назорати) ҳақида.

Бундай қатъий мониторинг фақат талабалардагина эмас, балки ўқитувчиларда ҳам мавжуд бўлган эски психологияларни кескин ўзгартириш имконини бераяпти, талабалар билимини ва педагогик жамоанинг иш сифатини доимо назорат остида бўлишини таъминлаяпти.

Институтимизда бир қатор қўшма корхона, фирма ва компаниялар билан ҳамкорликда «МЕДИС» тиббий-ахборот тизими дастурини яратишга киришдик. Тиббий-ахборот тизими дастури ўзида масофадан туриб ўқитиш (дистанцион), телекоммуникацион тиббиёт, электрон кутубхона, илмий ишларнинг электрон жамғармаси, ўқув-услубий қўлланмалар, бозор иқтисодиёти ва тиббиёт, комьютер саводхонлиги ва Интернет йўналишларини қамраб олади. Айни вақтда 200 абонентли Интернет, электрон почта, Интернет тизимидаги кутубхонадан фойдаланиш, электрон конспектлаштириш ва врачлар учун электрон журналлардан фойдаланиш истиқболларини очиб берди. Кейинчалик врачлар учун масофали (дистанцион) таълим тизимини йўлга қўйишни режалаштираяпмиз.

Талабаларимизга АҚШ, Англия ва МДҲ давлатларидан сотиб олинган 300 га яқин видеофильмлар клиник амалий машғулот материалларини тўлдирувчи манба бўлиб қолди. Аҳамиятли томони шундаки, айрим мавзу бўйича бемор бўлмай қолган тақдирда талабаларимиз ана шу кассеталардан фойдаланадилар.

Чет эллик ҳамкасбларимизнинг тўплаган тажрибаларидан руҳланиб, институтимизда ўзимизнинг видеоматериалларимизни яратишга киришдик. 3 та кафедра ходимлари, етук мутахассислар яқиндан ёрдам беришаяпти.

— Домла, институтнинг ташқи алоқалари борасида ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳозирги кунда АҚШнинг Ричмонд университети билан, Чикагодаги Иллинойс университетининг Тиббиёт Маркази билан ҳам ҳамкорлигимиз давом этмоқда. 1998 йил декабрда Рекфорддаги тиббиёт коллежи билан имзоланган меморандумга асосан институтимиз профессор-ўқитувчиларини 1 ойдан 10 ойгача хорижда ўқиб, тажриба алмашишларини таъминлашга эришганмиз. Буюк Британиянинг Империал коллежи, Испаниянинг Гранда университети ва Финляндиянинг Або Академияси билан 2000 йилгача мўлжалланган грант олий ўқув юртларида замонавий бошқарувни татбиқ қилиш ва институтимиз битирувчилари, ёш ўқитувчиларга тиббиёт менежменти бўйича таълим беришни йўлга қўяди.

Яқинда Миср Араб Республикасининг Эл-Мансур ва Загазиг университетларининг тиббиёт факультетлари билан беш йилга мўлжалланган ўзаро битим имзоланди. Унга кўра, институтимиз талабалари, ёш олимлари ва профессор-ўқитувчилари Мисрдаги ҳар иккала университетга бир ойдан бир йилгача таълим олиб, тажриба алмашиб қайтишади. Қирқ нафар талаба ва профессорларимиз Миср Араб Республикасига сафарга тайёргарлик кўришяпти. Ўз навбатида, эҳромлар юртидан ҳам шунча талаба ва профессорлар институтимизга меҳмон бўлиши мўлжалланаяпти.

— Шу ўринда «Бозор иқтисодиёти ва тиббиёт» тушунчаси хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Соғлиқни сақлаш бу ахлоқий бойлик, эзгуликдир. Шундай экан, соғлиқни сақлаш айнан бозор иқтисодиётининг «ёввойи» кўринишига айланиб кетмаслиги лозим. Бу жараён жамиятимизнинг барча соҳаларига таъсир этар экан, бизнинг ўқитувчилар жамоаси олдида соғлиқни сақлашдек муҳим ҳаётий масалада маънавийлик ва инсонпарварлик, адолатлилик ва тенглик ғояларини сақлаб қолишдек муқаддас вазифа бўлиб қолаверади.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Норали ОЧИЛОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири

ЁШ БОКСЧИЛАР ТУРНИРИ

Марказий ҳарбий спорт клубида анъанавий IY халқаро ёшлар бокс мусобақасида 1981-1982 йилларда туғилган 89 киши ғолиблик учун кураш олиб борди.

Муросасиз ва қизғин курашлар остида ўтган мусобақада вазн тоифаларига кўра Ш. Нурматов (Жиззах), З. Бурхонов. З. Насруллаев, Ф. Каримов. И. Мадбаев (Тошкент вилояти), Ў. Зокиров, А. Юнусов, Б. Исматов (Тошкент шаҳри), Ш. Маҳсумов (Қўқон шаҳри), Ш. Абдураҳмонов, Н. Юсупов (Сирдарё) ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра тошкентлик Ў. Зокиров мусобақанинг энг фаол иштирокчиси сифатида Анатолий Васильев кубоги билан тақдирланди.

Ўзбекистон Давлат Спорт қўмитаси, республика футбол федерацияси ва Ўзбекистон «Ёшлик» КСЖ Марказий кенгаши томонидан уюштирилган турнир ғолиблари ва совриндорларига диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғ. МАННОПОВ

QUTLOV

Ҳурматли Асқар СУЛАЙМОНОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз ва ўқитувчилик фаолиятингизга 40 йил тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг.

Тошкент шаҳри Ҳ. Олимжон номидаги 237-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз.

Respublika ijodkor o'qituvchilar anjumani

АДАБИЙ ТАШНАЛИК ЗАВҚИ

БАЙРАМ ИБТИДОСИ

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади...

.. Яъни ижодкор ўқитувчиларнинг анъанавий анжумани. Бу баҳор ҳам шу анжуман худди шундай ўтди. Ҳа, билиб турганингиздек, яшил шаҳар Шаҳрисабзда.

Эсингиздами, газетамизнинг ўтган сонларидан бирида эрта-индин Шаҳрисабзда адабиёт байрами бошланиши ва у кўнгилимизда ажиб уйғонишлар пайдо этиши ҳақида умидланган эдик. Мана ниҳоят энди умидланиб эмас, ишонч билан ёзиш фурсати ҳам келди. Лекин, шу тобда икки кун давом этган анжуман тафсилотини қаердан бошлашни билолмаяпмиз. Чунки биз кўрган ҳар бир анжуман иштирокчиси чеҳрасидаги мамнунликнинг ўзи, бир саҳифа эди. Келинг, энди ана шу мамнунликнинг пайдо бўлиш сир-синоатига йўл-йўлакай назар ташлайлик.

ИЖОД ҲАЙРАТДАН БОШЛАНАДИ

Бир ҳинд шоири бир куни баланд тоққа чиқиб:

— Эй Худо, мен шунчалар ожизманми? — деган экан.

Аслида бу шоирнинг ўкинчи эмас ҳайрати эди. Анжуманнинг биринчи куни Шаҳрисабзнинг қадимий қадамжоларини томоша қилар эканмиз, улуғ Оқсарой пойига келганимизда бизнинг ҳам кўнглимизда улуғ бир ҳайрат пайдо бўлди. Биз бу ҳайратни ожизлик туйғуси билан эмас, буюклик туйғуси билан ифодаладик. Бизнинг боболаримиз шунчалар буюкми?

Ана шундай улкан туйғулар мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларидан ташриф этишган ижодкор ўқитувчиларнинг ҳам кўнглига кўчган эди. Ўша куни ўқитувчиларимиз шаҳарнинг ана шундай бетакрор гўзаларини бориб кўрдилар. Кечқурун эса кун бўйи ажиб ҳислар оғушида юрган ижодкорларимиз туманнинг Беруний номидаги болалар оромгоҳи боғида ой ботгунча мушоира қилишди.

МУЛОҚОТ

Эрталаб туман марказидаги Маданият саройига етиб келганимизда бизни қарнай-сурнай садолари қарши олди. Ҳа, биз Шаҳрисабзда адабиёт байрами бўлади деб адашмаган эканмиз. Бу манзара ҳақиқий байрам нишонаси эди.

Хуллас, ижодкор ўқитувчиларининг анъанавий анжумани ана шундай байрамона руҳда бошланди. Йиғилишни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р. Мусурмонов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Р.Раҳмонов сўзга чиқиб, анжуман иштирокчиларини бу ўзига хос байрам билан қизғин табриклади. Шунингдек, анжуманда ХТВ маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Фозилов, Шаҳрисабз тумани ҳокими Шуҳрат Алланазаров, туман халқ таълими бўлим мудири Омон Тўраев, таниқли шоирлар Маъруф Жалил, Икром Отамурод, Музаффар Аҳмад, Абдулҳай Носиров, Тухтамиш Тухтаев, истеъдодли ёзувчиларимиз Оқилжон Ҳусанов, Абдуқаюм Йўлдош ва бошқа ижодкорлар иштирок этишди.

Анжуманнинг табрик қисми тугагач, иштирокчилар тўртта шўъбага бўлиниб, таниқли ижодкорлар билан адабий мулоқот бошланди. Ўқитувчиларнинг бугунги адабиёт, шеърият ҳақидаги фикрлари тингланди. Қизғин мушоира бўлди.

Ушбу мулоқот жараёнида шу нарсани кўриш мумкин эдики, ўқитувчилар шеър ўқиб, шеър эшитиб чарчамас эди. Улар ҳатто қайта-қайта илтимос қилиб шеър ўқир эдилар. Бу ҳолат ўқитувчиларимиз кўнглида адабий ташналик завқи борлигидан далолат эди.

СЎНГГИ СЎЗ

Бугун ижодкор ўқитувчилар анжуманининг мақсади, вазифаси хусусида ёзиб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Негаким, у бу йил ўзининг кенг жамоатчилик кўнглидаги эҳтиёж эканлигини саккизинчи марта исботлади. Бу исботни ўқитувчиларнинг ўзларидан ҳам эшитиш мумкин.

— Ижодкор ўқитувчилар анжуманининг ўтказилиши адабий таълим ривожи учун хизмат қилади. Бунга фақат ютуғимиз деб қарашимиз керак, — дейди бизнинг анжуман хусусидаги сўровимизга жавобан Шаҳрисабз туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси Абдуҳаким Тожиев.

Йиғилиш сўнгида келгуси йили ўтказиладиган анжуман учун учта вилоятдан таклиф тушди. Демак яна юқоридаги фикримизга қайтишга мажбурмиз. Ўқитувчиларимизда адабиётга ташналик бор. Илоҳим, кўнглимиздаги шу туйғулар омон бўлсин.

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Qo'shiq bayrami

ҚАЛБГА КЎЧГАН ҚЎШИҚЛАР

Қўшиқ инсон умрини безайдиган, унга янгиянги мазмун қўшишга қодир бўлган санъат. Айтишларича, инсон вужудига жон қўшиқ, мусиқа орқали киритилган экан. Куни кеча Тошкент шаҳар ўқувчиларининг «Қўшиқ байрами» бўлиб ўтди. Муҳташам Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ўша куни шаҳарнинг барча туманларидан ташриф буюрган ўқувчилар билан тўла бўлди. Байрам ҳақиқий байрамдек ўтди. Республика Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев ўқувчиларни байрам билан табриклаб, уларнинг ишларида, ўқишларида омад тилади. Шундан сўнг ўқувчилар ва йиғилган меҳмонлар мадҳиямизни куйлашди.

Шаҳарнинг Мирзо Улуғбек, С.Раҳимов, Сирғали, Ҳамза, Шайҳонтоҳур туманларидан келган санъатсевар ўқувчилар турли мавзу ва жанрларда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Концертда миллий куй-қўшиқларимиз билан бир қаторда бошқа миллат куй-қўшиқ намуналари ҳам ижро этилди. Айниқса, Сирғали тумани 305-мактаб ўқувчиси Б.Машраповнинг «Она диёр» қўшиғи мазмунан бойлиги, ижронинг мукаммаллиги билан ажралиб турди.

Гала-концерт ўқувчилар қалбида ўчмас из қолдирса керак. Чунки бунда она диёр улуғланди, дўстлик куйланди, тинчлик ва барқарорлик мадҳ этилди.

Шарифа МУРОДЖОН қизи,
«Маърифат» мухбири
Суратларда байрамдан лавҳалар.
Р.Альбеков олган суратлар

Xullas...

ДАМ ОЛУВЧИЛАРГА ЁДГОРЛИК

Сочи — курорт шаҳри. Унинг сўлим табиатидан баҳраманд бўлганларни бахтлилар сирасига қўшаверинг.

Ана шу шаҳарда дам олувчилар учун ёдгорлик ўрнатилмоқчи. Бу ғоя шаҳардаги бадиий музей директори, мусаввир ва ҳайкалтарош Петр Хрисановнинг миясида пишиб етилди. Ва у дам олувчининг қиёфасини шахсан ўзи яратишга иштиёқ билан киришди.

— Статистик маълумотларга қараганда, ҳар бир дам олувчига камида 4 киши хизмат қилади, — дейди Петр Хрисанов. — Кимдир унга ўрин ажратади, бошқаси боқади, учинчи бир киши экскурсияга олиб боради. Дам олувчиларимизнинг семиз ҳамёни биздаги қулайликлар билан бўшайди. Аммо уларнинг бирортаси бундан норози бўлганини сезмаганмиз.

Ёдгорлик ёзги мавсумда ишга тушади. Сочиликлар ва унинг меҳмонлари қаршисида бронзадан ишланган шундай ҳайкал тикланади. Ўрта ёшлардаги эркак киши, эгнида майка, бошида ёзги шапка, кўзларида қуёш нурини қайтарувчи кўзойнак, ялангоёқ. Бўйнида эса осилган ҳамён.

Бу дам олувчиларнинг рамзий қиёфаси.

СУҒУРИБ ДАВОЛАШ

Ойлик маошларни йиллаб ололмаётган саратовлик стоматологлар тишларни даволашнинг пуллик усулини кенг қўллашмоқда. Ҳукумат эса бунга рухсат этмайди, текин хизмат кўрсатилишини талаб қилади.

Тишларни суғуриб даволаш—хизматнинг энг арзон усули.Шу боис жарроҳ қабулига навбат узун.«Бизга эҳтиёжимизни қоплайдиган даражада пул тушиб турса бўлди», дейди жарроҳлар.

«ШУМИ ҲАЙВОНДЕК ЯШАШ...»

Бир-бирининг жонига қасд қилиш фақат одамларга эмас, балки ҳайвонга ҳам хос ҳолат экан. Аммо бу деярли кам учрайдиган ҳодиса.

Эфиопияда арслонлар оиласи билан сиртлонларнинг катта гуруҳи ўртасида олишув бир ҳафта давом этди. «Тўқнашув»да 6 та шер ва 30 та сиртлон жон таслим қилган.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

МУСОБАҚА АВЖИГА ЧИҚДИ

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилаётган дзюдо бўйича халқаро турнир қизғин паллага кирди. Унда юртимиз шарафини Чирчиқдаги республика олимпиа ўринбосарлари билим юртининг 10 нафарга яқин дзюдочилари ҳимоя қилишмоқда.

ЭРКАКЛАР БЕЛЛАШУВИ

Шу йилнинг 15 май куни Фарғона шаҳрида чим устида ҳоккей бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 1- тур ўйинлари бошланди. Мусобақаларда кўзда тутилганидек, 10 га яқин жамоалар қатнашмоқдалар.

ҚУШНИ ЮРТДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Қирғизистоннинг Александровка шаҳрида Сулаймон Башиза хотирасига бағишланган кикбоксинг бўйича 3 - халқаро ёшлар турнири бўлиб ўтди.

Беллашувларда иштирок этган спортчиларимиз 2 та олтин, 2 та кумуш ҳамда 6 та бронза медалларини қўлга киритиб қайтдилар.

ИРОДАГА ЗАФАР ЁР БЎЛСИН!

Ўзбекистонлик теннисчи Ирода Тўлаганова 33 кун мобайнида Япония очиқ чемпионати, Сеулдаги хотин-қизлар челленжер турнири ва Хиросимадаги Осиё чемпионатида иштирок этиб, ватанимизга қимматбаҳо ғалаба совринлари билан қайтиб келди. Энди Иродадан май ойи охирида бўлиб ўтадиган Франция очиқ чемпионатида қатнашиши кутилмоқда.

ҲАМЮРТИМИЗ — ҚИТЬА ЧЕМПИОНИ

Шоҳмот бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Осиёнинг 8 давлатидан 30 нафар ўғил-қиз қатнашган бу мусобақанинг қизлар ўртасидаги беллашувларида ҳамюртимиз Ольга Сон биринчи ўринни эгаллаб, чемпионликни қўлга киритди.

Ta'limdagi ayollar

«МАКТАБНИ СЕВАМАН!»

Назира Аҳмедованинг номи Тошкент шаҳридаги мактаб жамоаларига яхши таниш. Директорларнинг аксарияти уни шахсан танишади. Ўқитувчилар эса сиртдан билишлари мумкин. Намунали таълим даргоҳлари ҳақида гап кетганда,Назира опа раҳбарлик қилаётган 41-ўрта мактаб албатта тилга олинади. Яхши мактаб, яхши раҳбарнинг садағаси кетсанг арзийди...

Дилдан қилинган суҳбат маънавий озуқа. Назира Аҳмедова билан суҳбатлашар эканман,унинг қалбини «кўргандек» бўлдим.

— Назира опа,бугунги мактаб ҳақидаги фикрингиз қандай?

— Мутлақо ижобий. Аввало ўзим мактабни севаман, ҳар тонг унга ошиқаман. Гўёки мактабга бир хазина кўмилгану,шуни топишим керакдек.Мактабларимизни гуллаб-яшнатишга ҳукуматимизнинг қурби ҳам,қудрати ҳам етади. Бугунги кунда таълим муассасаларига давлатимиз катта маблағ ажратди. Айни пайтда биз ҳам бунга муносиб жавоб қайтаришимиз керак. Мен ҳамиша шу ҳақда ўйлайман...

— Мактаб раҳбари бўлиш осонми ёки аксинча?

— Осон деб ўйлаганлар билан тортишишга тайёрман. 41-ўрта мактабни тилга туширгунча анча машақатларни чекишимга тўғри келган.Бу фақат ўзимга аён. 1983 йилда бу даргоҳга директор бўлиб келганимда, менга ёвқараш қилганлар ҳам бор эди.Лекин мен самимийликдан йироқлашмадим,ҳар бир ўқитувчини ўзимга дўст ва ҳамкор деб билдим. Кўлимдан келган яхшилигимни,ёрдамимни улардан аяган эмасман. Бу билан ўзини ўзи мақтаяпти деб ўйламанг,бор гап шу. Самимийлик - ҳаётдаги энг маънили шиорим. 32 йиллик педагогик тажрибага эга бир инсон сифатида ҳамон шу шиорга амал қиламан.

Раҳбар масаласига келсак,у ҳар қандай вазиятга тайёр туриши керак.Нохуш воқеаларда директорнинг иштироки кузатилмаса-да,бунинг сабабини ундан келиб сўрайдилар. Масалани бир ёқли қилишга бош бўлишингиз керак. Ёки айрим ота-оналар ўқитувчиларни,директорни ҳақоратлаб кетишдан ҳам тоймайдилар. Мен уларга бундай пайтда Конституциямизни кўрсатаман. Бу ҳужжатда ота-оналарнинг фарзанд тарбияси учун мактабдан кўра масъулияти кўпроқ эканлигини ифодаловчи модда бор.

— Назира опа,эрталаб мактабга келдингиз? Ишни нимадан бошлайсиз?

— Назоратдан.Ўқитувчилар тўлиқ келишганми? Суриштираман. Синфхоналар тоза-озодами? Кўриб чиқаман. Ошхона,кутубхона хизматга шайми? Хабар оламан. Мактабларни бошқарувчи масъул идора билан бирров боғланаман. Баъзан уларнинг ўзлари сим қоқиб қолишади.

— Эшитишимизча, мактабингизга шаҳарнинг аллақайси бурчакларидан қатнаб ўқийдиган ўқувчилар бор экан...

— Гапингиз тўғри,айрим оилалар яшаш жойларини ўзгартиришга мажбур бўлишади. Улар Юнусобод, Сирғали, Чилонзор даҳаларига кўчиб кетишса-да,мактабимизни тарк этгилари келмайди. Чамамда,қадрдон мактаб, билимдон устозларни ташлаб кетиш ўзларига қимматга тушишини болалар ҳам,ота-оналар ҳам яхши англашади.

— Назаримда,кўпчилик мактабларга хос манзара сизда ҳам мавжуд. Яъни эркакларга нисбатан аёл муаллимлар кўпроқ. Бу яхшими ёки ёмонми?

— 2360 нафар ўқувчини ўз бағрига олган мактабимиз аралаш, яъни рус, ўзбек. 186 нафар ўқитувчи аёлнинг ичида эркаклар атиги 7 киши. Тарбия одатда оилада аёл кишининг зиммасига юклатилган. Демак,уларнинг мактабда кўпчиликни ташкил этишига қарши эмасман. Қоларверса,белгиланган вақтларда дарсини ўтиб,қолган пайтларда уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлиш қайси аёлга ёқмайди? Лекин қаттиққўллик, талабчанлик бобида мактабларимизга эркак ўқитувчилар ҳам керак.

— Мактабингизда таҳсил олган ҳар бир ўқувчи сизга азиз бўлиб қолса керак?

— Нимасини айтасиз, ҳар йили битирув оқшомига йиғилган йигит-қизлар қаршисида негадир кўнглим ғалати бўлиб кетади. Тўғри, мен уларга дарс бермаган ёки синф раҳбари бўлмагандирман. Лекин улар барибир юрагимнинг бир парчасидек азиз бўлиб қолган. Жаҳон Абдурасулова деган ўқувчимиз 13 ёшида 2-ТошМИнинг даволаш факультетида талаба. «Сакраб» ўқиган бу қизалоқ Оллоҳ берган қобилиятга эга экан.

— Қайси фанлар чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилади?

— Бир фанни иккинчисидан устун қўйиш аслида тўғри эмас. Умумий ўрта маълумот олиш жараёнида ўқувчи ҳар бир фанни пухта ўзлаштириши керак. Аммо ҳар бир мактаб ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Физика, химия, биология, математика, информатика, ҳуқуқ ва педагогикага оид фанлардан етук мутахассисларимиз бор. Шу боис бу фанларни чуқурлаштириб ўқитадиган 10 та лицей синфлари ташкил қилганмиз. Умумий синфларимиз эса 80 та.

— Кайфиятингиз қандай ҳолларда кўтарилади?

— Ўз жамоам,унинг аъзолари ҳақида мақтов эшитганимда. Чиройли тадбирлар ҳам жону дилим. Яқинда Ҳамза театрида аёллар йилига бағишлаб 8 нафар 1-синф ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов ўтказдик. Жажжи қизалоқлар 5 та шарт бўйича ўз қобилиятларини шу даражада берилиб намоён қилдиларки, мен уларнинг вояга етиб, мустақил ҳаёт қурганларида сира қийналмасликларини илғагандек бўлдим. «Гулобод » маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси, Шайҳонтоҳур туман «Камолот» жамғармаси, туман халқ таълими бўлими тадбир иштирокчиларига ўз эсдалик совғаларини топширишди. Келажакда «Ажойиб мутахассис, она, уй бекаси», «Энг ибратли ўқувчи» каби тадбирларни ҳам уюштириш ниятимиз бор.

— Назира опа, аёл ўқитувчиларга «Маърифат» орқали қандай тилакларингиз бор?

— Юрмоқ, кўрмоқ, эшитмоқ, ўзини ўзи эпламоқ — шунчаки бир гап эмас. Буни қайси донишманд айтганлиги эсимда йўқ. Демоқчи бўлганим шулки, тўрт мучанинг соғ-саломатлиги - катта бойлик. Бошингиз ёстиққа тегмасин, азизим! Фарзандингизни оқ ювиб, оқ тарамоқ, уларни камолга етказмоқ фақат соғлиққа боғлиқ эканини унутманг!

— Назира опа, сизга ҳам дилдан курган суҳбатингиз учун ташаккур билдириб, соғлик тилаймиз!

Суҳбатдош Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат Авиация Институти қуйидаги кафедраларнинг кафедра мудирлари лавозимлари учун конкурс эълон қилади:

— Ижтимоий ва гуманитар фанлар
— Олий математика ва информатика
— Физика ва химия
— Амалий механика
— Чизма геометрия ва машина графикаси
— Тиллар
— Жисмоний тарбия

Конкурсда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

— Ариза
— Шахсий варақа (сўровнома)
— 2 дона сурат
— Илмий ишлар ва мақолалар рўйхати
— Дипломлардан нусха

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 12-уй, ТДАИнинг Бош биноси, 3-қават 31-хона.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саййидолим АБДУРАҲМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0369. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.30.